

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Рафиқов, А.Сотволдиев Параболо - гиперболик тенглама учун нолокал шартли масала.....	5
И.Неъматов, С.Кукиева Предикатлар ва кванторлар ёрдамида теоремаларни тузиш	11
М.Азизов, С.Рустамова Бернулли тенгламасига келтириб ечиладиган биринчи тартибли оддий дифференциал тенглама учун Коши масаласи.....	13

А.Ибрагимов, Ю. Исақов, О.Йигиталиева, А.Иброҳимов Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган мева шарбатлари ҳамда меваларнинг анализини ўтказиш услубиёти.....	17
Ю.Исаев, С.Рустамов, И.Асқаров, Н.Тўлаков Глициррининг кислотасининг таркибида мочевина бўлган ҳосилаларини синтез қилиш	21

Р.Максудов “Балиқчилик инновацион маркази” фаолияти ва балиқчиликнинг истиқболлари.....	24
---	----

И.Зокиров, С.Исроилжонов Ҳашаротларнинг ўсимликка таъсир кучини аниқлаш мезонлари	27
---	----

Н.Рахмонов Таълим хизматлари сифатини бошқаришнинг назарий асослари	31
М.Мўйдинов Агросаноат мажмуасида кичик ва ўрта бизнес кластерларини шакллантириш принциплари.....	35

Б. Усмонов XV асрнинг 70-йилларида Фарғона	39
Н.Режаббоев Наманган уездига “овқатланиш пункт”ларининг фаолияти	43
А.Нурматов XX асрнинг 80-йилларида енгил ва озиқ-овқат саноати моддий-техника базасининг айрим ҳолатлари хусусида (Фарғона водийси мисолида).....	49
М.Мансуров Фарғона водийсида қишлоқ туризмнинг ривожланиш жараёнлари ва имкониятлари	55
Х.Юнусова, У.Усаров Фарғона водийси деҳқончилик маданияти ва аъналарини ҳақида баъзи мулоҳазалар.....	58

Т.Абдуллаев Инсон эҳтиёжларининг шаклланиш хусусиятлари	62
---	----

НАМАНГАН УЕЗДИДАГИ “ОВҚАТЛАНИШ ПУНКТ”ЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ

Н.Режаббоев

Аннотация

Мақолада Фарғона вилоятининг Наманган уездида очарчилик йилларидаги “Овқатланиш пункт”лари фаолияти архив манбалари асосида илк бор таҳлил этилган. Очларни озиқ-овқат билан таъминлаш ҳолатлари, уларнинг миқдори келтирилиб, шўро ҳокимиятининг бу борадаги фаолияти таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье впервые на основе архивных материалов проанализирована деятельность "Пунктов питания" в годы голодания в Наманганском уезде Ферганской области. Приведены материалы об обеспечении голодающих питанием и их количестве, проанализирована деятельность советской власти в данном вопросе.

Annotation

In this article for the first time on the basis of archival materials have been analysed the activity of the "Point of feeding" in the years of hunger in Namangan district of (Fergana region). And also the Sources of proving the hungers with food and their numbers have been given, as well as the activity of Soviet power in this point has been studied.

Таянч сўз ва иборалар: Фарғона, Наманган, “Овқатланиш пункти”, озиқ-овқат, очарчилик, очарчилик оқибатларини тугатиш комиссияси, ёрдам.

Ключевые слова и выражения: Фергана, Наманган, "Пункт питания", продукты питания, голод, комиссия по ликвидации последствий голода, помощь.

Key words and expressions: Ferghana, Namangan, "Point of feeding", the foods, hunger, comission to eliminate the effects of hunger, aid.

Сўнги йилларда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида Фарғона вилоятида 1921-1923 йилларда содир бўлган очарчилик ва унинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда оқибатлари тўғрисидаги айрим мақолалар илмий жамоатчиликка маълум. Аммо кўрилатган масалада асосан Фарғона вилоятининг Волгабўйи ва Уралолди халқларига кўрсатилган ёрдам ҳамда ўзи оч бўла туриб, юқоридаги ҳудудлардан келган очлар таъминоти билан боғлиқ томонлари таҳлил этилган. Шуниси қизиқки, вилоятнинг аксарият аҳолисини очарчилик қийнаётгани, бу жараён вилоятнинг турли уездларида қандай содир бўлганлиги ҳамда озиқ-овқат таъминотидаги муаммоларнинг ўрганилиши, илмий тадқиқ ва таҳлилига кам эътибор қаратилган. Ушбу мақолада очарчиликка қарши курашиш ва очлар таъминоти масаласида қандай чора-тадбирлар кўрганлигини қисқача таҳлил қилишга ҳаракат қилинган.

Статистик маълумотларга қараганда, Фарғона вилоятида 1897 йили 1160357 нафар, 1917 йилга келиб эса 1511717 нафар аҳоли исикомат қилган. Ушбу кўрсаткич Наманган уездида 1897 йилда 287984, 1917 йилда эса (290677) 290477 нафарни ташкил этган. Наманган уездида 1917 йилга келиб 290477 нафар аҳолининг 159381 нафарини эркалар ташкил этган бўлса, 131096 нафари аёллар эди. 1917-1923 йиллар давомида аҳоли сонининг бундай “ўсишига” Туркистон (Қўқон) Мухториятининг ағдарилиши, турли хил эпидемик касалликлар, ғалла тақчиллиги натижасида вужудга келган очарчилик ҳамда қуролли қаршилик ҳаракати ва бошқа бир қатор сабаблар эди. Масалан, вилоятнинг Қўқон ва Марғилон уездларида 500 минг, умуман вилоят бўйича 1 млн. дан ортиқ одамлар очарчилик натижасида қирилиб кетган. Мазкур рақамни 1923 йилги аҳолини рўйхатга олиш натижалари ҳам тасдиқлайди. Масалан, 1917 йилда Фарғона вилояти аҳолиси 2,5 млн. нафар бўлган бўлса, 1923 йилда бу кўрсаткич 1 млн. 669 минг нафарга тушиб қолган. Биргина Қўқон шаҳрида 1917 йилда 120984 нафар аҳоли исикомат қилган бўлса, 1923 йилга келиб аҳоли сони 50338 нафарга қисқарган. Наманган уездида эса бу кўрсаткич 1925 йилга солиштирилганда, уезд статистика бўлими 1917 йили жами 236912 нафар бўлганлигини, бу рақам 1925 йилга келганда 205000 нафар қолганлиги ёки 1917 йилга нисбатан 81,9 % ни ташкил этган. Бошқа маълумотларда эса Фарғона вилоятининг Қўқон, Андижон, Наманган, Эски Марғилон, Ўш, Чуст, Скобелев (Фарғона) каби 7 та шаҳри аҳолиси 1917 йилда 409234 нафарни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 1923 йилга келиб 207191 нафарга тушиб қолган. Юқорида келтирилган далиллардан кўриниб турибдики, вилоятнинг марказий шаҳарларида ҳам аҳоли сони кескин камайиб кетган.

Фарғона вилоятида мавжуд озиқ-овқат захираларининг камайишига пахта майдонларининг йилдан-йилга кенгайиб бориши, ғаллага бўлган эҳтиёжнинг ортиб боришига ва унинг таннархини кўтарилиб кетишига олиб келди. Совет ҳокимияти вилоят очлари таъминотида амалий чора-тадбирларни кўришга мажбур бўлди. Шундай ҳаракат қилинмаса, аҳолининг қирилиб кетишига ва бу эса ҳосилдор ерларда экин экишни пасайтириб юборишга олиб келар эди.

Н.Режаббоев – НамДУ тадқиқотчиси.

Бундай ҳолат эса Марказни мутлақо қониқтирмасди. Вилоят очларини муқаррар ўлимдан сақлаб қолиш, бу, стратегик хомашё, яъни пахтани сақлаб қолишни англатар эди.

Фарғона вилоятида очарчиликка қарши курашиш учун жойларда тегишли комиссия ва “Овқатланиш пунктлари” фаолият олиб борган. Далилларга мурожаат қилинса, “... бугунги йилда [1922] Фарғона очлик вилояти деб тан олинди. Очарчиликка қарши Туркистон МИҚда, фавқулодда комиссия, 5 та уезд-шаҳарда комиссия ва 16 та туманда комиссия тузилган ва фаолият олиб борган. “Овқатланиш пунктлари” сони 39 тани ташкил этган. Ушбу пунктларда кунига 10232 нафар одамлар ҳамда 2914 нафар болалар озиқ-овқат билан таъминланганлар. Вилоят бўйича жами 1739440 та тушлик ва шунча нон паёқлари тарқатилган. Вилоятнинг 44 та волости ва 3 та шаҳри текширилганда, 179602 нафар очлар ... , 49846 нафар очлик ва бошқа сабаблар билан кўчиб кетганлар, 64336 нафар очарчилик туфайли вафот этганларни ташкил этган. Вилоятнинг текширилмай қолган 37 волостларида 125000 нафар очлар бўлган” лиги келтириб ўтилади.

Бундай жараёнлар Наманган уезди бўйича таҳлил этилса, қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланади. Хусусан, Наманган уезд-шаҳар очарчилик оқибатларини тугатиш комиссияси (ООТК) раиси томонидан 1923 йил 31 январиди Фарғона вилоят очарчилик оқибатларини тугатиш комиссияси раисига юборган маърузасида уезд-шаҳар “Овқатланиш пункти”да 646 нафар очлар борлиги, улардан 336 нафари фақат озиқ-овқат олиб кетиш учун келиши таъкидланган. Бундан ташқари, оч болалардан 114 нафари интернатларда сақланиб, улардан 56 нафар бола Россиядан келтирилган эди. Наманган уездининг Чуст ва Ашт районларида ҳам “Озиқ-овқат пункт”лари мавжуд бўлиб, фақатгина Чустнинг ўзида 300 нафар очларни боқиш учун ўз қарамоғига олинган. 1922 йил 18 декабрида очлар яшаётган бинони таъмирлаш зарурати тўғрисида уезд инқилоб кўмитасига мурожаат қилинганга қарамасдан, шу пайтга қадар таъмирлашга киришилмаган. Айни пайтда интернат қарамоғидаги оч болалар учун иссиқ кийимлар тикишга киришганлар. Жойлардаги очларни боқиш учун эса “Овқатланиш пункт”лари сонини кўпайтириш зарур эди. Шу сабабдан, Косонсойда 200 нафар катта ёшдагилар ва 70 нафар болаларга, Янгиқўрғонда 200 нафар катта ёшдагилар ва 60 нафар болаларга, Нанайда 150 нафар катта ёшдаги ва 50 нафар болага мўлжалланган “Овқатланиш пункт”лари очиш кўзда тутилган. Уезд маъмурияти нафақат очлар таъминоти, балки уларни иссиқ кийим-бош билан таъминлаш ҳамда мунтазам равишда “Овқатланиш пункт”лари сонини кўпайтириш билан ҳам шуғулланиб борган.

Фарғона вилоятида озиқ-овқат танқислиги чекинмай, Волгабўйи очлари реэвакуацияси давом этаётганига қарамасдан, кундан-кунга очларга ёрдам кўрсатиш қамрови кенгайиб борарди. Хусусан, ана шу мақсаддан келиб чиқиб, 1923 йил 13 февралда бўлиб ўтган Фарғона вилоят ООТК мажлисида март, апрель, май ойларида Наманган ва Қўқон уездларида тегишли тарзда 3000 ҳамда 6000 нафар очларни боқиш учун “Овқатланиш пунктлари”ни очиш бўйича қарор қабул қилиб, мазкур қарорни вилоят иқтисодиёт бошқармасида тасдиқлаш жараёнида қатнашиш Миркомиллов зиммасига юклатилди.

1923 йилги маълумотга кўра, Наманган уезди бўйича: Наманган шаҳри, Чуст ва Нанайда “Овқатланиш пункт”лари очилган. Наманган уездида 1485 нафар очларга (улардан 270 нафар оч болаларга) ёрдам кўрсатилган. Мавжуд архив маълумотлари шундан далолат берадики, Наманган уезд-шаҳар қошидаги “Овқатланиш пункт”ларида 1923 йил февралда ҳар куни 670 нафарга яқин очлар озиқ-овқат билан таъминланиб, улардан 270 нафари фақат иссиқ овқат учун келади. Шу даврда Наманган уезд-шаҳар ООТК таркибидаги Чуст “Овқатланиш пункти” ихтиёрида ҳар куни 460 нафарга яқин очлар бўлиб, уларга ҳеч қанақа иссиқ овқат берилмай, фақатгина нон билан боқилган. Шу мақсадда, “Овқатланиш пункти”га 200 пуд ғалла ажратилган. Бундан ташқари, 1923 йил 15 февралга қадар уезд-шаҳар ООТК қарамоғидаги интернатда 98 нафар Волгабўйи оч болалари бор бўлиб, Фарғона вилоят ООТК кўрсатмасига биноан уларнинг барчаси 1923 йил 15 февралдан халқ таълими бошқармаси ихтиёрига ўтказилган.

1923 йил мартада Фарғона вилоят ООТК томонидан берилган маълумотга кўра, кейинги уч ой давомида 46 та “Овқатланиш пункти” очилиб, унда ҳар куни 13 минг нафар очлар озиқ-овқат билан таъминланаётганлиги, 12 та “Болалар интернати” очилиб, унда 1200 нафар етим бола овқатлантирилаётгани қайд этилган.

Шунча қилинаётган саъй-ҳаракатларга қарамасдан, жойларда очарчиликнинг чекиниши жуда суст борар эди. Яна ўша 1923 йил мартадаги маълумотларга таянадиган бўлсак, Фарғона вилоятида расман рўйхатга олинган очлар 179602 нафар бўлса, бу миқдорга яна 207117 нафар очлар қўшилиши хавфи мавжуд эди. Боз устига очларнинг ярми болалар эди. Агар буни биргина Наманган уезд ООТК мисолида кўрсак, мавжуд муаммо янада ойдинроқ кўзга ташланади. Масалан, 1923 йил 28 мартада Наманган уезд ООТК раиси Фарғона вилоят инқилоб кўмитасига юборган билдиришида ҳар куни “Овқатланиш пункт”лари қарамоғида 770 нафар атрофида очлар борлиги ва улардан 490 нафари “Овқатланиш пункт”ида нон ва иссиқ овқат билан таъминланаётгани, 280 нафар очлар эса келиб-кетиб овқатланадиганлардан иборатлиги таъкидланади. 1923 йил мартадаги маълумотга кўра,

ТАРИХ

Наманган уездида 3688 нафаргача очлар бор бўлиб, уларнинг жойлардаги тақсимоли қуйидагича: Уйчида -1156 нафар, Янгиқўрғонда-766, Қирғизқўрғонда -726, Чустда- 418, Нанайда -331, Косонсойда-291 нафарни ташкил этган.

Мавжуд архив маълумотлари шундан далолат берадики, 1923 йил феврал-март ойларида Наманган уезд-шаҳар ООТК томонидан Нанайда 350 нафар очларни боқишга, Косонсойда-350 , Янгиқўрғонда-350, Қирғизқўрғонда-350 , Уйчида-350 нафар очлар учун “Овқатланиш пункт”ларини очиш режалаштирилган. Нанай ва Косонсойда очиладиган “Овқатланиш пункт”лари учун 100 пуд ғалла юборилган. Шунингдек, Наманган уездида яна 200 нафар мусулмон болалари учун 2 та интернат очиш режалаштирилгани қайд этилган.1923 йил февралда Наманган уезд-шаҳар ООТК жойлашган бинода оч болалар учун мактаб очиш кўзда тутилган. Шу мақсадда халқ таълими бўлими билан келишилган. Юқоридаги келтирилган архив манбаларидан маълумки, Наманган уездида озиқ-овқат танқислиги боис ҳамда очлар сонининг мунтазам камаймаганлиги оқибатида “Овқатланиш пункт”ларининг сони ортиб борган.

Наманган уезд-шаҳар ООТК томонидан Фарғона вилоят ООТК га қилинган мурожаатда, жойлардаги очларни боқиш, интернат, “Овқатланиш пункт”ларидаги таъминотда бозорларни ижарага олиб, тегишли миқдорда тушадиган маблағлардан фойдаланиш кўзда тутилганига эътибор қаратиб, аслида ижарага олинган бозорлар нархи баландлигидан, фойдадан кўра зарар кўп бўлаётгани, коммунал бўлимга бозор учун ижара ҳақи юқорилиги, фойдага нисбатан харажат кўпайиб кетганлигидан қарздорлик вужудга келганини қайд этиб, бу, 1923 йил феврал учун 23 минг сўмга борганини келтиради. Мурожаатда, Наманган уезд-шаҳар инқилоб кўмитаси томонидан вужудга келган ҳолат мажлисда кўриб чиқилиб, бозор ижараси юқори белгиланганлигини қайд этиб, барча бозорлар яна уезд-шаҳар коммунал бўлими ихтиёрига қайтарилиши бўйича қарор қабул қилинган. Мазкур қарорга кўра, бозор ижараси бўйича янгидан шартнома тузилиши белгиланган. Натижада, вақтинчалик-ўтиш даврида ижарага асосан уезд-шаҳар ихтиёридаги “Шойи бозор”, “Бўз бозор”, “Мева бозор”, “Ўтин бозор”, “Косонсой бозор”, “Тўрақўрғон бозор”, “Кетмонтепа бозор” лар томонидан очларга ёрдам бериш тўхтаб қолган.

Туркистон очарчилик оқибатларини тугатиш юзасидан олди-сотди, лотерея, сайил ва бошқа тадбирлардан тушадиган маблағларнинг маълум бир фоизини очлар таъминоти йўлида сарфлаш тартиби йўлга қўйилди. Аммо таъкидлаш жоизки, бундай “чора-тадбирлар ажратма фоизи” операцияси 1923 йилга келганда маълум бир узиллишлар билан амалга оширилди. Хусусан, 1923 йил февралдаги маълумотга кўра, Наманган уезд-шаҳридаги халқ қозилари билан келишувга мувофиқ, кўчмас мулк олди-сотди шартномасидан белгиланган сумманинг 5 фоизи, хоҳишга кўра, очарчилик оқибатларини тугатиш комиссиясига ўтказилиши кўзда тутилган бўлса-да, амалда ҳеч қанақа маблағ ООТК ҳисобига ажратилмаган. Ҳолбуки, жойлардаги ООТК ни молиявий таъминоти марказлашган ҳолда етарли даражада ажратилмас, бу эса ўз навбатида очлар таъминотига салбий таъсир кўрсатар эди. Шу сабабдан, Наманган уезд-шаҳар ООТК томонидан 1923 йил мартда Фарғона вилоят ООТК га қилинган мурожаатда уезд-шаҳар ООТК жуда оғир аҳволда эканлиги, хусусан, маблағ мутлақо етарли бўлмагани ҳолда жуда кўп харажатлар: “Волгабўйи [оч болалари жойлаштирилган] интернатдагилар учун тикилган кийим-кечак, оёқ кийимларга, уездда янги очилиши кутилаётган овқатланиш пунктлари билан боғлиқ ташкилий масалаларга, Наманган овқатланиш пунктидаги очларни кийинтириш ва оёқ кийимига, турли озиқ-овқатларини харид қилишга” зарурат борлигига эътибор қаратилган. Мазкур мурожаатда яна ООТК “товар алмаштириш ҳамда ходимларга январь ва февраль [ойларига] маош тўлаш” да ҳам муаммолар борлиги тўғрисида қайд этилган. Маълумотлардан аёнки, уездда нафақат ўлка очларини боқиш, балки Марказдан келган оч-қочоқларни ҳам боқиш вазифаси турарди. Бу ҳам уезд раҳбариятига муаммоларни ҳал қилишга қўшимча қийинчилик туғдирарди.

1923 йилга келганда ҳам очарчилик Туркистонда давом этар, большевиклар томонидан кўрилатган чора-тадбирлар тизимли эмаслиги, очларни боқишга, кийинтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларда бошқарув тизимидаги кадрлар укувининг етишмаслиги ва яна ўзбошимчалиги маълум бир норозиликларга асос бўларди. Масалан, 1923 йил февралда Наманган уезд-шаҳар ООТК раиси Х.Шомақсудов томонидан йўриқчи Жамолиддиновни жойлардаги очарчилик оқибатларини ўрганиш ва имкон борича бартараф этиш билан боғлиқ масалалар ечимида уезд бўйлаб сафарга юборади. Хизмат сафари давомида Жамолиддинов Ашт туманида очларга нисбатан муносабатни ўрганиб қуйидагиларни аниқлайди: 1923 йил 1 январидан Аштда “Овқатланиш пункти” ўз фаолиятини бошлаган ва 38 кун давомида ўртача 132 нафар очлар ҳар куни озиқ-овқат билан таъминланган. Аммо кейинги пайтда, қайсидир сабабга кўра, Ашт туман инқилоб кўмитаси мудирини Мулла Тошматов “Овқатланиш пункт”идаги очларни тарқатиб юбориб, у ерда 54 нафар оч боланигина қолдирган. Болалар деярли кийим-кечаксиз, оёқ кийимсиз, совуқ ерда ухлайдилар. Айни пайтда Аштда 1265 нафар очлар мавжуд ва улар ёрдамга муҳтож. Балки очлар миқдори 2000 нафарга етиши ҳам мумкин. Заҳирадаги озиқ-овқатлар 1923 йил 25 февралга: ғалла-338 пуд, гуруч-29 пуд, жўхори-75 пуд, ёғ-2

пуд, совун-2 фунтни ташкил этган. Юқорида келтирилган маълумотлар, мутасадди ташкилот ва уларнинг вакиллари фаолиятидаги ўзбошимчалик ҳамда ишига нисбатан совуққонлик билан қараш, очларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳолатлари мавжуд муаммони янада кучайтирди.

Наманган уезд-шаҳар ООТК комиссияси раиси Х.Шамақсудов 1923 йил мартада Фарғона вилоят ООТК қилган мурожаатида 1923 йил 1 март ҳолатига уезд-шаҳар ООТК ҳисобида 7328 сўм 52 тийин борлиги, мазкур сумманинг маълум бир қисмини очларга тикилаётган кийим-кечак, оёқ кийимига олдиндан тўлаш кўзда тутилганини таъкидлаш билан бирга, уезд-шаҳар ООТК ихтиёрида қуйидаги миқдорда озиқ-овқатлар мавжудлиги таъкидланган: ғалла -554 пуд, гуруч -19 пуд, ёғ- 19 пуд, ун- 61 пуд, гўшт- 26 пуд, совун- 0,5 пуд, сабзавот- 16 пуд, жўхори- 81 пуд, туз- 1 пуд, мош- 10 пуд, ўтин- 2 саржин, кўмир- 400 пуд.

Яна тарихий далилларга муроҷжат қилинса, Наманган уезд-шаҳар ООТК фаолияти ҳам маълум бир ишларни амалга оширган. Хусусан, Наманган уезд-шаҳар ООТК 1923 йил 28 мартада Фарғона вилоят ООТК га қилган мурожаатида уездда “Очларга ёрдам ойлиги”ни 1 апрелдан жорий этиш бўйича таклиф киритиб, шу мақсадда хайрия маблағлари тушумини кўпайтириш учун жойларда турли сайиллар ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб топилган. Мазкур мурожаатда, Фарғона вилоят ООТК нинг жойлардаги уезд-шаҳар ООТК томонидан ғаллага бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини алмаштириш амалиётига барҳам бериш бўйича таклифга оид мулоҳаза юритиб, таклифда озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга маблағ топиш, иложи бўлмаса, унда очларни фақат нон билан боқишга оид таклифи бўйича фикрга ўзининг муносабатини билдириб, “... таклиф унчалик мақсадга мувофиқ эмас... очлар тўла-тўқис овқатланиш пунктлари ихтиёрида бўлиб, улар фақатгина бир фунт нон билан қониқиб қолмайдилар, очлар тиламчилик қилишга мажбур бўладилар... яна очлар кўчаларда ётиб, очликдан шишиб кетадилар...” деб, ғаллага озиқ-овқатнинг бошқа турларига алмаштиришга рухсат бериш зарур, деб сўрайди.

Уезддаги умумий аҳвол, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, жойларда очарчилик чекинмай, уларга озиқ-овқат тарқатиш бир зумга бўлса-да сусаймайди. Масалан, 1923 йил апрель ойидаги маълумотга қараганда, Наманганда “Овқатланиш пункт”ларида ҳар куни 815 нафар очлар бўлиб, улардан 548 нафари шу истиқомат қилган жойда яшайди ва қолганлари эса келиб-кетадиганларни ташкил қиларди. Умуман олганда, 1923 йил апрел ойидаги маълумотларга кўра, Наманган уездида 4 та “Овқатланиш пункт”лари очилган: “ Косон[сой]да - 98 кишилик, Нанайда - 129, Янгиқўрғонда -189, Қирғизқўрғонда эса - 234 кишилик”.Юқорида қайд этилган барча “Овқатланиш пункт”ларига 100 пуддан 400 пудгача ғалла юборилган. Уйчи ҳудудида ҳарбий гарнизоннинг йўқлиги ва “босмачилар”нинг мавжудлиги учун “Овқатланиш пункти” очилмаган.

Мавжуд маълумотлар таҳлили шундан далолат берадики, Наманган уездидаги очларни озиқ-овқат билан таъминлаш, уларни “Овқатланиш пункт”ларида боқиш қониқарли даражада бўлмай, амалда узук-юлуқ давом этаверган. Хусусан, 1923 йил апрел ойида Наманган уезд очарчилик оқибатларини тугатиш комиссияси раиси Х.Шомақсудов ўзи томонидан қилинган маърузада, уезддаги очларни боқиш учун “... ғалла чегараланган миқдорда келяпти, [боз устига] тинимсиз, режасиз... шу сабабдан уезддаги барча очларни боқишга қийналяпмиз ва фақат қисмангина боқяпмиз”, дейиш билан бирга таъминотда қуйидаги ҳолат кўзга ташланаётганини қайд этди: Янгиқўрғонда 766 нафар очдан 189 нафарини, Қирғизқўрғонда 726 нафар очдан 234, Нанайда 391 нафар очдан 129, Косон[сой]да 291 нафар очдан 98 нафарини озиқ-овқат билан таъминланмоқда. Демак, уезднинг 2174 нафар очларининг 650 нафари, аниқроғи 30 % га яқини “Овқатланиш пункт”ларида озиқ-овқат билан “боқилган”. Қолган 1524 нафар оч аҳоли тақдиртақозосига ташланган. Улар ўз навбатида бундай “ғамхўрликдан”умид бўлмаганлигидан, ризқ-насибаларини Оллоҳдан сўрашдан бошқа иложлари қолмаган эди.

Наманган шаҳрида очарчилик қамрови 1923 йил апрел ойига келганда ҳам кундан-кунга оғирлашиб борар, бунга асосий сабаблардан бири сифатида марказлашган таъминотнинг амалда йўқлиги эди. Наманган уезд очарчилик оқибатларини тугатиш комиссияси раиси Х.Шомақсудов 1923 йил апрел ойида қилган маърузасида, Наманган шаҳридаги очларни боқишга “жуда кам маблағ ажратилаётгани ва айрим озиқ-овқат маҳсулотларини йўқлиги... “Овқатланиш пункт” ларида... [очларга] биргина сув [ҳамда] ун ёки жўхори [берилаётгани], айна пайтда умумий қозондан интернат болалари ҳам овқатланаётгани... шунинг учун ҳам болаларнинг ярми қочиб кетгани” тўғрисида маълумот беради. Юқоридаги аянчли аҳволни яхшилашга, айниқса, оч болалар учун маблағ ажратиш зарурлигига эътиборни қаратади. Оч аҳоли таъминотидаги бундай аҳвол нафақат очликдан қийналишларига, балки уларнинг руҳий азобланишларига олиб келган. Бундан ташқари, 1923 йил апрелидаги маълумотга кўра, Наманган шаҳрида 70 нафар болага мўлжалланган интернат бўлишига қарамасдан, болаларни назорат қилиш, тарбиялаш ва бошқа ишларга жалб қилиш учун маблағ етарли эмас эди. Бундай ҳолат интернатдаги болалар озиқ-овқат таъминоти, саломатлигида ҳам ўз таъсирига эга эди.

ТАРИХ

1923 йилда Туркистонда давом этаётган озиқ-овқат тақчиллигитуфайли очарчилик 1917-1919 йиллардаги очарчиликдан кам эмасди. Очарчиликни тўлиқ бартараф этишнинг имкони кам бўлиб, бу кейинчалик ҳам ўз асоратини кўрсатишда давом этди. 1921-1922 йилларда Волгабўйидан очларнинг ўлкага қабул қилиниши, уларни озиқ-овқат, бошпана, кийим-кечак билан таъминланишдаги муаммолар ечимидаги саъй-ҳаракатлар ўлка аҳолисини тинкасини қуритди. Кетма-кет, амалда узлуксиз ўтказилган “Ёрдам ҳафталик”лари, “Ёрдам ойлик”лари натижасида Фарғона вилоятида қайтадан очарчилик бошланиб кетди. Дастлабки пайтларда, хусусан 1921-1922 йилларда амалга оширилган “Ёрдам ҳафталиги-ойлиги” яхши натижаларни бериб, аҳоли ўз ризқ-рўзини Волгабўйидан келган ва ўз ҳамюрт очлари билан баҳам кўрган бўлса, 1923 йилдан бундай ёрдам тадбирлари ҳам кутилган натижа бермай қўйган. Масалан, 1923 йил апрелидаги маълумотларга таяниб шуни таъкидлаш мумкинки, Наманган уездида амалга оширилган очларга “Ёрдам ойлиги”, айтиш мумкинки, “ ҳеч қандай умидларга имкон қолдирмайди. Хайрия йиғими жуда-жуда сушт. Хайрия учун 409 та варақа озиқ-овқат йиғишга тарқатилган бўлса-да, шу пайтга қадар учта варақа келтирилиб, унда 1000 сўм йиғилгани... бозорлардан турли сабзавотлар 41 пуд 23 фунт, ун ва ёрма 5 пуд 29 фунт ва бошқа турли озиқ-овқат маҳсулотлари 3 пуд 10 фунт ”ни ташкил этган. Хайрия йиғимларидаги тушумларнинг бундай камайиб кетиши асосан аҳоли кўлида озиқ-овқат заҳираларининг қолмаганлигини кўрсатади.

1923 йил апрел ойидаги маълумотларга кўра, Наманган уезд ООТК маърузасида комиссия қарамоғидаги “Овқатланиш пункт”ларига ҳар куни ўртача 11 нафар очлар қўшилиб, бу, ҳисобот даврида 557 нафарни ташкил қилган. Қолган очлар “Овқатланиш пункт”ларига фақат иссиқ овқат истеъмол қилиш учун келишган. Намангандаги “Овқатланиш пункт”лари қарамоғида 100 кишилик интернат ҳам очилиб, унда 57 киши бор эди. Наманган ООТК Фарғона вилоят ООТК дан интернат учун 100 та каравот, 100 та матрас, 200 та ойшаб, 200 та ёстик жилди, 100 та ёстик ва яна бир қанча ошхонага зарур ускуналар билан таъминлашда ёрдам беришларини сўраган. Бундан ташқари, худди шу пайтда, 1923 йил апрел ойидаги маълумотларга кўра, Наманган ООТК қошидаги “Овқатланиш пункт” ларида: Янгиқўрғонда-189 нафар очлар, Косонсойда-201, Қирғизқўрғонда-254, Нанайда-331, Чустда-538 нафар очлар овқатланар эди.

Юқорида келтирилган ҳудудларда 1513 нафар очлар “Овқатланиш пункт” ларида озиқ-овқат билан таъминланганлар. Аммо жойларда очлар таъминоти ўлда-жўлдалиги, узилишлар туфайли режадан ташқари ҳудудларда қўшимча “Овқатланиш пункт”лари очишга рухсат сўралган. Масалан, Наманган ООТК уезд инқилоб қўмитасидан 1923 йил апрелида режадан ташқари Жийдакапада 600 нафар очлар учун “Овқатланиш пункти” очишга рухсат сўраган. Худди шу мақсадда яна Норинда 500 кишига, тоғли ҳудуддагилар учун 1500 нафар кишига, Нанайда эса 250 нафар очлар учун “Овқатланиш пункт” лари очишга рухсат сўраган. Умуман олганда, Наманган уездида озиқ-овқатга муҳтож аҳоли сони расман 4363 нафар ва аслида ундан кўпроқни ташкил этган. Уезддаги очлар таъминотида 1923 йил апрелидаги маълумотга кўра, ташкил этилган “Очларга ёрдам ойлиги”да Наманган уездида атиги 71421 сўм. 0,5 тийин, 50 пуд озиқ-овқат йиғилган, холос. Уезд аҳолисининг озиқ-овқат таъминоти вилоят марказидан бериладиган моддий ёки озиқ-овқат ёрдамига боғлиқ эди. Шунинг учун вилоят марказига бу борада тез-тез мурожаат қилишга тўғри келган. Масалан, 1923 йил Наманган уезд ООТК Фарғона вилоят ООТК дан уезддаги очарчиликка учраганларни озиқ-овқат таъминотида, уларнинг “Овқатланиш пункт”ларида таъминоти учун ўтин, гўшт, сабзавотлар зарурлиги ва яна ходимлар иш ҳақиға 50 минг сўм ажратиш зарурлигини уқтирган. Хусусан, 40 пуд сабзавот, 50 пуд гўшт ажратилишини сўраган.

Бу борадаги ишлар кўпайса-кўпайдики, лекин очлар сони камайиши ўрнига, аксинча ортиб борди. Масалан, 1923 йил 20 июнида Фарғона вилоят ООТК га Наманган уезд очарчилик оқибатларини тугатиш комиссияси раиси томонидан қилинган мурожаатда, рўйхатдан ўтган очлар миқдори 17367 нафарни ташкил этишини ва бу жойлардаги “Овқатланиш пункт” ларида қуйидагича тақсимланганлигини таъкидлайди: Аштда- 4594 нафар, Тоғли- кўчманчилар яшайдиган ҳудудда- 4180, Уйчида -1737, Чустда- 1238, Кетмонтепада- 1070, Янгиқўрғонда -882, Наманган шаҳрида -702, Косонсойда -672, Акси- Шахандда- 600, Жийдакапада -500, Балиқчида- 500, Қирғизқўрғонда- 360, Нанайда- 331 нафарни ташкил этган. Ёз фасли бўлишига қарамай, 1923 йилнинг июнида озиқ-овқат таъминотидаги қийинчиликлар ўтган йили ғалла (1922) заҳираларининг бўлмаганлиги ёки Марказдан озиқ-овқат таъминотидаги ёрдамнинг тизимли олиб борилмаганлигининг оқибати эди. Аммо юборилаётган ёрдамлар ҳам оз миқдорда бўлиб, амалдайўқдан кўра-бор дейишгагина арзирди. Масалан, 1923 йил 24 июлдаги маълумотга кўра, БМИҚ ҳузуридаги ООТ МК дан юборилган 5000 пуд ғалла қуйидаги тарзда тақсимланган: Андижон уезди ООТК га-1000 пуд, Ўш ООТК га-1000 пуд, Марғилон уезд ООТК га-1000 пуд, ўз пайтида Николская посёлкасида қувилган қирғиз батрақларидан 54 та оилага 500 пуд. (Жалолобод райони, Андижон уезди-н.р.) 1924 йилга келганда Фарғона вилоятида 182751 нафар аҳоли озиқ-овқат таъминотиға ўта муҳтож ҳисобланиб (293000 нафар очлардан), бу, уездлар кесимида қуйидаги тарзда тақсимланади: Ўш уездида - 84000 нафар, Андижон

уездиди - 27429 нафар, Марғилон уездиди - 26262 нафар, Наманган уездиди - 26000 нафар, Қўқон уездиди - 19060 нафар, жами 182751 нафарни ташкил этилганлиги келтириб ўтилган.

Юқорида келтирилган архив манбалари таҳлилидан маълумки, 1923 йили Наманган уездиди озиқ-овқат таъминотидаги узилишлар туфайли таъминотда “Овқатланиш пункт” ларидагиларнинг ўзига ҳам етмаган. Ҳатто “Овқатланиш пункт” ларидаги очлар таъминот ёмонлигидан турли тарафлардан ёрдам сўрашга ёки тиланчилик қилишга мажбур бўлганлар. Боз устига ООТК тизимидагилар фаолиятида ўз ишига совуққонлик билан қарашлари ҳамда Волгабўйи ва Уралолди ҳудудларидан юборилган очлар таъминоти ҳам ўлка аҳолиси зиммасида эди. Очлар таъминотида эркин олди-сотди ишларида хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиёти қонуниятларига риоя этилмаганлиги мавжуд иқтисодий-сиёсий вазиятни янада мураккаблаштирди. Бу эса ўлка аҳолисининг очликдан азоб тортишига олиб келди. Большевиклар томонидан олиб борилган озиқ-овқат сиёсати тизимли олиб борилмаган. Бошқарув тизимидаги бошбошдоқлик, шўро ҳокимияти томонидан бозор муносабатларининг инкор қилиниши ва “хоҳиший-мажбурий” тақсимотининг жорий этилиши, ўзаро муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги шундай оғир оқибатлар сабабларидан бири ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Наманган уезди аҳолиси 1917 йилда 290677 нафар деб келтирилган, аммо уезд аҳолиси сони 290477 нафарни ташкил этган. Тўлароқ маълумот олиш учун қаранг: Материалы всероссийских переписей. Перепись населения в Туркестанской Республике, Выпуск IV-й, Сельское население Ферганской области по материалам переписи 1917 г. -Т.: Издание ЦСУ Туркестанской Республики.- 1924 год.
2. Материалы всероссийских переписей. Перепись населения в Туркестанской Республике, Выпуск IV-й, Сельское население Ферганской области по материалам переписи 1917 г. -Т.: Издание ЦСУ Туркестанской Республики, 1924 .
3. Бадриддинов Қ. Тоқатли эл тўзимас //Muhofaza+, 2005. № 4.
4. Наманган вилоятдавлат архиви (НВДА), 13-фонд, 1-рўйхат, 24- иш, 13 -варақлар.
5. Мансуров У. 1917-1924 йилларда Фарғона водийси шаҳарлари тарихи.Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси.Т .: 2018 йил.
6. Отчет 2- съезда Экономических совещаний Туркестанской республики . –Т.:Изданные ТЭС, 1922.
7. Фарғона вилоят давлат архиви (ФВДА), Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 9-9-варақ орқаси.
8. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 172-иш, 19-варақ.
9. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 17-варақ.
10. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 17-варақ.
11. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎЗР МДА), Р-17-фонд, 1-рўйхат, 358-иш, 111-варақ орқаси.
12. ЎЗР МДА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 358-иш, 111-варақ орқаси.
13. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 15-варақ.
14. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 15-варақ.
15. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 17-17-варақ орқаси.
16. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 17-варақ орқаси.
17. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 17-варақ.
18. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 17-17-варақ орқаси.
19. Фунт (лот.pondus-вазн, оғирлик) - рус ўлчов тизимида масса бирлиги: 1Ф =0,40951241 кг =1\40 пуд. Қаранг: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.9- жилд. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.-Т.: 2005-йил.
20. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 17-варақ орқаси .
21. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 17-варақ орқаси .
22. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 15-варақ.
23. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 22-варақ.
24. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 22-варақ.
25. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 22-варақ.
26. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 22-22-варақорқаси.
27. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 22-варақ.
28. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 22-варақ орқаси.
29. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 22-варақ орқаси.
30. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 172-иш, 43-варақ.
31. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 172-иш, 43-варақ.
32. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 172-иш, 43-варақ.
33. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 172-иш, 43-варақ.
34. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 172-иш, 43-варақ.
35. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, 24-варақ .
36. ФВДА, Р-435-фонд, 1-рўйхат, 172-иш, 54-варақ .
37. ФВДА, Р-121-фонд, 2-рўйхат, 117-иш, 109-варақ.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)